

АБСТРАКЦИОНИЗМ — XX асрда аввал тасвирий санъатда пайдо бўлиб, ке-йинчалик бадий адабиётга ўз таъсирини ўтказган оқим. Намоянадалари — Чарльз Ховард, Стюард Дэвис, Крауфорд, Рэтнер, Моррис, М.Сейфер, П.Мондриан, Пауло Клес ва бошқалар. Абстракционистлар санъат борликнинг эмас, санъаткор хис-туйғуларининг инъикоси деган гоёни илгари сурадилар. Оқим намоянадалари ижодида хис, туйғу, хаёл, борликдан узилган чизиклар, геометрик шаклларда намоён бўлади, шакл ва мазмун бир-бирига сингиб кетади. Яъни анъанавий тушунчадаги шакл ва мазмун ўз мохиятини йўкотади. Абстракционизм таъсири француз шеъриясида, айниқса, сезиларлидир. Бу оқим тарафдорлари воқеликни инкор қилиш эвазига «рухий воқелик» яратмоқчи бўладилар. Абстракционизм санъатга муайян услубий янгилик сифатида кириб келган бўлса-да, айрим таникли санъаткорлар томонидан танқидга учради. Хусусан, А.Камю воқеликдан мутлак узилган асарнинг воқеликка бира-тўла ёпишиб олган асардан фарқи йўқ деб билади. Ёзувчининг фикрича, санъат воқелик ва санъаткор хис-туйғулари ўртасидаги эркин ва табиий уйғунлашувдан пайдо бўлади. Лекин абстракционизм санъат ва унинг тасвир усуллари ҳақидаги тасаввурни бойитгани учун ҳам кимматлидир.